

Рамазоннинг 41 фазилати (саккизинчи мақола)



15:40 / 30.04.2020 1766

18. Рамазоннинг биринчи кечасининг ҳам алоҳида фазилати бор. Имом Термизий, Насоий ва Ибн Ҳиббонлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рамазоннинг биринчи кечаси бўлганда шайтонлар ва бебош жинлар кишанланади, дўзах эшиклари беркитилади, улардан бирортаси ҳам очиқ қўйилмайди ва жаннат эшиклари очилади, улардан бирортаси ҳам ёпилмайди. Ҳар кеча бир жарчи: «Эй яхшилик талабгори, келгин! Эй ёмонлик талабгори, тўхтагин!», дейди», деганлар.

19. Рамазонда ҳар куни жаннат безатилади. Жаннат ўзи таърифига тил, фикрлашга ақл ожиз даражада гўзал. Аммо Рамазон кунлари у янада безатилар экан. Ҳадисда: «Аллоҳ таоло Рамазонда ҳар куни жаннатини

безатади», дейилган. Имом Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилган.

20. Рамазон рўза ибодати оидир. Рамазон ойининг энг буюк хусусияти, фазилати – унинг рўза ойи эканидир. Рўзанинг дунявий ва ухравий: руҳий, жисмоний, ахлоқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа кўплаб фойдалари барчага маълум. Биз ушбу ойнинг шарофати билан ана шундай буюк ибодатга сазовор бўламиз. Рўза ибодатига тегишли барча фазилатлар бевосита Рамазон ойига боғлиқдир. Ислом динининг беш рукнидан бири бўлган рўза ибодати учун айнан Рамазон ойининг танланиши бу ойнинг фазли учун етарлидир.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид